

Мен бола кезимда бизнинг козоклар сарт- ни1 кўрса: “Энангни урайин, кенгкўлтик, чулдираган тажик, уйнинг тепасига соламан деб оркасига камиш ортган, бутадан кўркан, бир-бирини кўз кўрганда “ака-ука” дейишиб, бири чикиб чикиб кетса, иккинчиси кизидан сўккан, “шарт-шурт” кўядиган шулар”, - деб кулишарди.

Нўгайни кўрса, уни хам сўкиб: “Туядан кўркан нўгай, отга минса чарчаб, яёв юрса дам олади, нўгай деганча нокай (довдир) де- сангчи, хеч нарсага арзимайди, солдат нўгай, кочкин нўгай, бошолшик² нўгай”, - дер эди.

Ўрисга-да кулгувчи эди: “Овулни кўрса, босган, ёмон, сассикбош ўрис елдек от сура- ди, калласига нима келса, шуни килади, “узун кулок” (хабарчи)ни топиб беришни талаб килади, ким нима деса, шунга ишонади”, – деб.

Шунда мен ўйлагучи эдим: Эй, Худо-ей!

Дунёда биздан бошка халкнинг бари онтур- ган, ёмон бўлади экан, энг дуруст халк биз эканмиз деб, халиги айтилмиш сўзларни бир улкан хакикат билиб, кувониб, кулгувчи эдим.

Энди караб турсам, сартнинг экмаган эки- ни йўқ, етиштиргаган меваси йўқ, савдогарининг бормаган ери йўқ, килмаган хунари йўқ.

Ўзи билан ўзи бўлиб, хеч бир шахри бир-би- ри билан ёвлашмайди. Ўрисга карагунимизча козокнинг ўлигининг кафандигини, тириги- нинг кийимини шулар етказиб турди. Ота- си боласига кўзи киймаган молингни шулар тўдалаб хайдаб кетиб турди-ку. Ўрисга карағандан сўнг хам ўриснинг хунарларини улар биздан олдин ўрганиб олди. Улкан бойлар хам, улкан муллалар хам, эплилик, кўркамлик, сиполик – бари шуларда.

Ногайга карасам, солдатликка хам чидай- ди, кашшокликка хам чидайди, казога хам чидайди, мулла, мадраса саклаб, динни сийлашга хам чидайди. Тер тўкиб меҳнат килиб, бойлик ортириш йўлини хам шулар билади, салтанату хашам хам шуларда. Тўймас томогимиз учун уларнинг бойларига биримиз батрак, бири- миз хизматчимиз. Бизнинг энг бойимизни:

“Пол сининг тарбайган айагинг иле басирга тугил, чик, сассик казак”, - деб уйидан кувиб чикаради. Бунинг бари – бири-бирини кувиб хор килмай, тирикчиликка уриниб, хунар топиб, мол топиб, зўр бўлганликнинг белгиси.

Ўрисга-ку айтарга сўз хам йўқ. Биз улар- нинг кулича хам эмасмиз. Бояги мактансоч- лик, бояги кувонч, бировларни мазах килиб айтган сўзларимиз кайда колди?